



**QIMMATLI QOG'OZLAR  
BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH  
VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI  
SAMARQAND VILOYAT HUDUDIIY  
BOSHQARMASI**

**SAMARKAND REGIONAL DEPARTMENT  
OF THE CENTER FOR COORDINATION  
AND DEVELOPMENT  
OF SECURITIES MARKET**

140108, O'zbekiston, Samarqand, Mir Said Baraka ko'chasi, 47  
Tel.: 998 (66) 233-16-49, Fax: 998 (66) 233-45-96.

47, Mir Said Baraka str., Samarkand, Uzbekistan, 140108  
samcsm.uz e-mail: samarkand@csm.gov.uz

“ 22 ” mart 2017 yil

№ 05-11/БК-03

**Акциялар чиқарилувини ҳамда  
акцияларга берилган миллий  
идентификация рақамларини  
бекор қилиш тўғрисида**

**Қ А Р О Р**

“Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatining 2017 йил 13 мартдаги №1-10/151-1- сонли қимматли қоғозлар чиқарилишини ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000- рақам билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”нинг 100- бандига асосан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Самарқанд вилоят худудий бошқармаси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. “Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatining 2015 йил 02 ноябрда Н0083-8 рақам билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилиши муносабати билан акциялар чиқарилувини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун жамият томонидан куйидаги хужжатлар тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи асли;
- қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш ва ушбу чиқарилишдаги акциялардан бирон донаси ҳам жойлаштирилмаганлиги (сотилмаганлиги) сабабли инвесторлар билан ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилмаслиги тўғрисидаги эълон нусхаси;
- эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари мавжудлигини тасдиқловчи эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма;
- чиқарилган акциялар умуман сотилмаганлиги сабабли маблағлар

инвесторларга қайтарилмаслиги тўғрисидаги эмитентнинг ёзма тасдиғи.

2. “Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatining 2015 йил 02 ноябрда Н0083-8 рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувларига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 975 сўмдан бўлган 105 822 дона умумий қиймати 208 998 450 сўмлик эгаси ёзилган оддий акциялари ва миллий идентификация рақами (RU108H0083T8) бекор қилинсин.

3. Бошқарма (0,5 ставка) бош мутахассиси Й.Фарҳодов зиммасига:

- “Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatining Н0083-8 рақамли акциялар чиқарилуви ва берилган миллий идентификация рақами (RU108H0083T8) бекор қилинганлиги тўғрисида Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

- мазкур қарорнинг бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ва “Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatiga тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси қонунчиликда белгиланган тартибда “Juma elevatori” aksiyadorlik jamiyatining 2015 йил 02 ноябрда Н0083-8 рақам билан рўйхатга олинган акцияларини эмитент депо ҳисобидан чиқарилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижроси назоратини ўзимда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи



Н.Жўлматов

Ижрочи: Й.Фарҳодов  
Тел: (0366) 233-16-49